

БҮҮК КЕЛЭЖАГИМИЗ НҮЛДЭ

Бу корхона ҳам узига хос қийинчиликларни бошидан кечирди. Айниқса маҳсулот тақчиллиги ишчиларни ташвишга солиб қўйди. Нима қилиш керак? Жамоа олдидаги маъна шу савол кўндаланг қўйилди. Корхона асосий хом ашё билан таъминловчи Магнитогорск, Красноярск, Новокузнецк, Москва, Запорожье шаҳарлари билан олиб борилган музокаралар иш бермади. У ерларга маҳсулот ундириш мақсадида жўнатилган вакиллар ҳам қуруқ қайтишди.

Шундан кейин завод маъмурияти маҳаллий турдош корхоналарга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Вақтинча улардан зур-базур олинган арзимас хом ашё ва ички имкониятлардан фойдаланиб турилди. Лекин бу билан узоққа бориб бўлмасди. Бошқа бир йул топиш керак эди.

Корхона директори Миер Галаятдинов завод қошида қўшма корхоналар очишга қарор қилди. Инқироздан фақат шу йул билангина чиқиш олиш мумкин эди. Биринчи бўлиб тикувчилик билан шугулланувчи «Игна» корхонаси ишга тушди. Дастлаб бу янгиликни эшитганлар ҳайрон бўлишди. Ташкил этилганидан бери оғир саноат билан шугулланиб келган корхона қошида бундай цехнинг пайдо бўлиши чиндан ҳам ғалати эди.

— Заводимизда ишлайдиган аёлларни ушанда шу йул билангина ушлаб туриш мумкин эди, — дейди директор. — Қарангки, биринчи қадамни ҳаммаси бўлиб 16 та тикув машинаси билан қўйган цех ҳозирга келиб йилига 10 миллион сумлик кийим-кечак тикиб чиқарадиган қудратли ишлаб чиқаришлардан бирига айланиб бормоқда.

Орадан бироз утиб Афғонистон билан ҳамкорликда пойабзал тикиб чиқарадиган «Пойзор» оёқ кийимлари корхонаси ишга туширилди. У бир йилда 10 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқаришга мўлжалланганди.

Халқаро «ТАСИС» дастури асосида маърифий тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Бу муҳим йўриқнома жойларда таълимий ва малака ошириш даргоҳлари фаолиятлари учун асос қилиб олинмоқда.

Телекоммуникация тизими бўйича ташкил этилаётган махсус ўқув машғулотларини йўлга қўйишда ҳам ушбу дастур кўл келди. Гап шундаки, ушбу масалани ҳал этиш мақсадида Тошкент электротехника алоқа институтини йирик ўқув маркази очилган эди. Олий ўқув юрти ҳузурида фаолият курсатаётган ушбу марказ Марказий Осиё республикалари

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМИ БУЙИЧА

доирасида ўз машғулотларини ташкил этмоқда.

Марказ тузилганига бир йилча вақт ўтди. Шу қисқа вақт ичида телекоммуникация марказида Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозғоғистондан малака ошириш учун келган мутахассислар ўқувлари ташкил этилди.

Бу хил машғулотларда телекоммуникация тармоғининг бугунги ва эртанги истиқболига доир масалалар атрофича қуриб чиқилади. Қизиқарли ва мазмунли утаётган ўқув ва малака ошириш сабоқлари икки йўналишда уюштирилмоқда. Менежмент, бизнесмен, маркетинг дастури асосида ташкил этилаётган машғулотлар кўпчиликка манзур бўлмоқда. Янги технология ва телекоммуникация йўналишида ўтказилаётган машғулотларда бу борада Марказий Осиё республикаларида амалга оширилаётган техник ишлар миқдор тарққасида фойдаланилиб, юзага келаётган қатор муаммолар уртага қўйилмоқда.

Телекоммуникация ўқув марказида ўқув ва малака оширишни изчил йўлга қўйиш мақсадида олий ўқув юрти ректорати қўшимча тадбирлар режасини ҳам тайёрлади.

Рашид АНВАРОВ.

Хитойлик ишбилармонлар билан биргаликда ишлайдиган «Замон» қўшма корхонаси ҳам диққатга сазовордир. Бу корхонада газ ўлчаш қўрилмалари, енгил машиналар учун аккумуляторлар, электр жихозлари, хона совуткичлари тайёрланади. Шунингдек АКШ, Германия, Франция сингари йирик давлатлар билан ҳамкорлик қилиш ҳам режага киритиб қўйилган.

Директорнинг яна бир мақсади техника тараққиёти ёки янги кашфётлар орқали корхонани юксак поғонага қўтариш эди. Бу

Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

ишда Миер Галаятдиновнинг ўзи ибрат курсатди. У узоқ изланишлардан сўнг профессор Махмуд Болибеков билан ҳамкорликда «Интерэко» деб номланган эски резинага қайта жон бағишлайдиган резина майдаловчи машинани ихтиро этди. Бу техника бир соатда 200 килограмм резинани қайта ишлаш қувватига эга. Ҳозир ушбу машина учун ҳатто Америка, Германия сингари қудратли давлатлардан ҳам буюртмалар олинган.

— Шу кунларда яна бир ихтиро — металлни майдаловчи машина яратиш устида иш олиб бораёмиз, — дейди директор.

Мана шу янгиликлар эвазига Тошкент асбобсозлик заводи қайта оёққа турди. Чорак режалари 734-800 миллион сумлик қи-

либ бажариладиган бўлди. Истеъмол буюмлари тайёрлаш эса 400 миллион сумлик етадиган бўлди. Бу курсаткич чорак мuddат учун мўлжалланганидан анча ортиқчадир.

Шу кунларда тула қувват билан ишлайган корхонада 800 ишчи кучи фаолият кўрсатмоқда. Уларга яратилган шароитларга ҳавасингиз келади. Жумладан, 200 уринли боғча, 400 уринли ётоқхона, соғломлаштириш пункти улар хизматида. Ишчи ва кексаларни ихтимойий ғимоялаш масаласи эса доимо маъмурият диққат марказида бўлиб келмоқда.

Корхонада бешта цех узлуксиз икки сменада ишлаб турибди. Шулардан айниқса Оқилжон Исоқов ва Валентина Левада бошқараётган биринчи ва иккинчи ҳамда истеъмол буюмлари цехларини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин.

Биз истеъмол буюмлари цехи фаолияти билан ҳам ақидан танишдик. 20 дан ортиқ одам ишлайдиган бу цехга Камолбой Тўраев раҳбарлик қилади. Жамоада 30 турга яқин маҳсулот тайёрланмоқда.

— Ой сайин режа ва топшириқларни бажариб турибмиз, — дейди К. Тўраев. — Утган июль ойида режани 130 фоизга адо этдик. Ҳозир август ойи топшириқларини бажаришда довондан ошдик. Мақсадимиз бу ойда ҳам 130-140 фоизли маррани эгаллаш.

Цехнинг машғулари Лилия Суенова, Миркомил Эргашев, Комил Қосимовлар жамоа муваффақиятига муносиб улуш қўшиб келишяпти.

— Қуришиб турибдики, ҳамма гап ишбилармонликда ва ҳаракатда экан, — дейди корхона директори Миер Галаятдинов сўзини якунлаб. — Астойдил уриниб, изланган киши албатта имкон топаверади.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ.

Ижтимоий ғимоя — амалда

ИШЧИЛАР ОРОМГОҲИ

Кейинги пайтда «Тошқўймачи» ҳиссдорлик жамиятида тукувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш йўлида ибратли ишлар амалга оширилляпти. Бу борада ишлаб чиқилган ва жорий этилган иш тизими маъмурият ҳамда касабга уюшмаси фаолиятининг устивор йўналишларидан бирига айланган. Ана шу тизимга кура мактабгача тарбия муассасалари, санаторий-профилакторий ва бошқа соғломлаштириш муассасаларидан текинга фойдаланилади. Бундан ташқари Тошкент денгизи соҳилидаги «Тўқимачи» оромгоҳида ҳам ҳордиқ чиқариш ишчилар учун бепулдир.

— Дарҳақиқат шундай, — дея маъқуллайдди оромгоҳ бошлиғи Мақсадхон Даминова. — Бугунги кунда ҳар қандай йирик саноат корхоналари ҳам ўз ҳодимларига бундай шароитларни яратиб қўйишлари осон эмас. Шунинг эътиборига оладиган бўлсак, корхона маъмурияти ва касабга уюшмасининг бу борада олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқдир.

Бугунги кунда «Тўқимачи» оромгоҳида барча шароитлар яратилган. Бу ерда 3-4 хонадан иборат 26 та коттеж фаолият кўрсатмоқда. Бир йўла 660 ишчининг маданий ҳордиқ чиқариши учун барча имкониятлар му-

ҳайё этилган. Оромгоҳ ҳудудидан чойхона, ёгон сўриллар урин олган. Ҳар бир бино ва коттежларнинг таъмиридан тортиб зарур бўлган жихозлар билан таъминлашгача бўлган барча муаммоларни ҳал этишда корхона маъмурияти доимо бошқош.

Айни чоғда оромгоҳда анъанавий гузал шарқ чойхонаси, катта мевазор билан бир қаторда фин ҳаммоми, сув ҳавзалари, муолажа хоналардан иборат мажмуаларни ҳам қўриш лойиҳалаштирилмоқда.

Оқила РАИМОВА.

Тадбиркорларнинг сиртқи мактаби

ИШБИЛАРМОН ТЎСИҚЛАРДАН ЧЎЧИМАЙДИ

Бозор муносабатлари шароитида корхона, (фирма) иқтисодиётнинг асосини бирламчи бугунини ташкил этади. Эеро, иқтисодиёт таркибига назар солсак у корхоналардан, улар фаолиятлари йиғиндисидан иборат. Умуман олганда биз корхона деганда жамият эҳтиёжини қондирувчи меҳнат жараёни натижасида маҳсулот ва хизматлар яратадиган (фирма, завод, фабрика, хусусий корхоналар, ҳиссдорлик жамиятлари ва ҳоказо), ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилган кишилар фаолияти тушунилади. Демак, корхонада (фирма) товар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёни руй бериб, унда иқтисодий муносабатлар таркиб топади ва амалга ошади.

Корхоналарни (фирма) иқтисодиётнинг бошқа бугунларидан ажратиб турувчи фарқи, унинг иқтисодий алоҳидчилиги ва мустақиллигидир. Бу эса корхонанинг мулкӣ муносабатларидан келиб чиқади. Чунки у мулк эгаси бўлгандагина иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиши мумкин. Ҳуш, иқтисодий мустақиллик деганда нимани тушунамиз? Корхона (фирма)нинг иқтисодий мустақиллиги ўз ҳаракатларини ўзининг маблагларидан қоплаши, ўз ихтиёридаги ресурсларнинг алоҳидчилигини ва олган фойдасини мустақил тасарруф қилишида намоён бўлади. Бундан ташқари у тегишли қўнуларда ўз аксини топан бўлиши лозим. Яъни корхона юридик шахс бўлмоғи, низомни, мустақил даромад ва ҳаракатлар баланси, банкда ўз ҳисобига эга бўлмоғи зарур. Бу эса давлат томонидан қабул қилинган қўнуларда белгиланган. Корхона (фирма) ана шу қўнуларга асослан фаолият кўрсатади. Корхоналар, солиқлар, мулк турғисидаги қўнулар ана шулар жумласидандир. Бу қўнуларда ҳамма турдаги корхоналар мулкчилик шаклининг қандай бўлишидан қатъий назар, иш фаолиятларини олиб боришда тенг ҳуқуқлиги кўрсатилган. Корхоналар (фирма) ўз фаолиятини шартномалар асосида мустақил режалаштирадиган, ишлаб чиқаришни ривожлантиришни ўзи таъминлайди, ишчиларнинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳам ўзи ҳал этади, шунингдек мустақил равишда ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш ва ўз даромадини ишлатиш йўналишларини ҳам ўзи белгилashi мумкин. Аммо корхона қандай ишлаб чиқариш фаолияти билан шугул-

ланишидан қатъий назар, давлат ва фуқаролар ҳуқуқий манфаатларини таъминлашда қўнулар кўрсатилган шартнома мажбуриятларига тулиқ амал қилиши шарт. Яна шу нарсани таъкидлаш керакки, собиқ Иттифок даврида корхоналарнинг деярли барчаси давлатники ҳисобланган. Бозор иқтисодиёти шароитида эса — бозор табиатиан мулкчиликни инкор қилади ва ҳаётда мулкчилик шакллариинг хилма-хиллигини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда республикамизда давлат мулкни хусусийлаштириш, мулкчиликнинг турли шакллариини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилляпти.

Бозор иқтисодиёти ўз ривожланиш жараёнида корхоналардан турли хил иқтисодий шаклларида самарали фаолият кўрсатишнинг талаб этади. Улардан бири фирма ҳисобланади.

Фирма — бу корхоналарга эгалик қилувчи ва ҳуқуқий фаолияти олиб борувчи ташкилотдир. Бир хил фирмалар битта, айрим хиллари эса бир нечта корхоналарга эгалик қилиши мумкин. Фирмада асосий ҳаракат қилувчи шахс тадбиркор ҳисобланади. Тадбиркорлик — бу энг аввало муҳим ва оғир масалаларни дадиллик билан амалга ошириш салоҳияти, тегишли билим ва тажрибани талаб этади. Ишбилармонлик — бу янги нарсаларни, ҳар хил гоаярлни уйлаб топиб, уларни амалга ошира билиш ва бу йўлда учрайдиган тўсиқ-қийинчиликлардан қўрқмаслиқдир. Шунингдек ишбилармонлик оқилона иш юритиш ва таваққулчилик ҳамдир. Ахир қўл қўвиштириб утиргандан кура, таваққул қилиб бир натижага эришни ҳам ишбилармонлиқнинг бир туридир. Ишбилармон таваққул қилиб иш бажариши натижа-сида маълум билим ва тажриба орттиради. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик бир бирини муҳассамлаштиради ва тўлдирди.

Ўзбекистонда қабул қилинган «Тадбиркорлик турғисида»-ги Қўнунга мувофиқ тадбиркор — мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваққул қилиб ва мулкӣй жавобгарлиги асосида, амалдаги қўнулар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир.

Ҳозирги кунда республикамизда ҳақиқий тадбиркор ва ишбилармонлар учун барча шароитлар мавжуд.

Ражаб МУСУРМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Иқтисодиёт институти аспиранти.

Меҳнат жамоаларида

БИРЛАШМАНИНГ ШОШИЛИНЧ БУЮРТМАЛАРИ

Шаҳар қурқига-қўрқ қўшаётган иншоотлар қурилишида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирылашмасида бажарилаётган буюртмаларнинг муносиб урин бор. Энг охири буюртмалардан бири шаҳар уртасидаги Фонд биржаси марказий биносининг гўмбазини безатиш эди. Ана шу буюртмани бажариш ишлари олиб борилмақда.

Яқинда корхонанинг бир неча цехлари ҳамкорликда шаҳарнинг марказий Олий бозори

учун дарвоза қуриб беришга буюртма олдилар. Шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, бу буюртма масъулияти ва меҳнаттабадир. Шунинг учун ҳам дарвоза қурилишини Борис Литвинов бошлиқ корхона конструкторлик бюроси ҳодимлари ЭХМлар ер-даимида олиб борилад.

90, 11, 263-цех меҳнат жамоалари дарвоза қурилиш учун саттапеларни тайёрладилар ва дарвоза айвонини йиғдилар.

Дарвоза безакларига эса миллий руҳ киритилди, олтинранг ва олоққ рангларга бўлди.

Бундай вазифани ишчилардан Ҳақназаров, Свиридов, Спилин, Махмудов, Камолов, Тимофеев, Нефедовлар олиб борилад. Иш жараёнида ишлаб чиқаришни бошқариб боришда цех бошлиғи уринбосари Чиликин, катта уста Сачковлар фаолият кўрсатдилар.

Илхом ЭШМАТОВ.

Мустақиллик мевалари

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ — ОКЕАН ОРТИДА



Республика Қурулли Кучлари сафларида турли миллат фарзандлари бир жон, бир тан бўлиб ҳарб илмининг сирларини эгалламоқдалар. Синфларда, ўқишхоналар, машқ майдонларида ўз билим ва маҳоратларини сынаб кўрмоқдалар.

Хабар бериб утганимиздек, яқинда Қурулли Кучларимиз тарихида муҳим воқеа руй бериб. Катта лейтенант Ҳайдар Абдиев булнимаси жангчилари Мудофаа вазирлиги зобитлари раҳбарлигида махсус рейсда океан ортига — Америкага йўл олдилар. Бу ерда улар 20 кундан ортиқ вақт мобайнида НАТОнинг «Тинчлик учун шериклик», «Ҳамкорликда ҳаракат кўртаклари» — 95-дастури иштирокчиларининг биргаликдаги машқларида қатнашмоқдалар. Америка Қўшма Штатларининг қуруқликдаги қўшинлари жанговар тайёргарлиқнинг бирлашган маркази — Луизиана штатида бизнинг Қурулли Кучларимиз жойлашган ерда мустақил Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ҳиллаб турибди. Мустақиллигимиз туғайли юз

берган бу тарихий воқеа жаҳон миқёсида давлатимизнинг обрў-эътибори ортиб бораётганини кўрсатувчи яна бир далиллардандир.

Дунё миқёсидаги, 14 мамлакатнинг биргаликдаги бундай машқларида республика Қурулли Кучлари номидан қатнашишдек юксак ва шарафли ишонч кимларга насиб этди?

Улар бир қарашда оддий, узимизнинг ўн саккиз, ўн тўққиз ёшли юртдошларимиз. Лекин йигитларнинг бажарётган ишларида разм солсак, улар асосий ҳарбий ва махсус тайёргарлиқни мукамал эгаллаган, ўз ишининг ҳақиқий усталари эканликларига дарҳол амин бўламиз.

«Взвод машқларида муваффақиятли қатнашди». Ўзбекистонлик жангчиларнинг тайёргарлиқларини кузатган АКШ Қурулли Кучлари вакиллари шундай хулосага келишди. Сержантлардан Саид Ҳошимов, Эдуард Багманов ўз қўл остидагиларнинг жанговар маҳорат қўққисини эгаллашлари учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар этиладар.

Бу булниманинг яна бир узига хос хусу-

сияти — унинг кўп миллатлигидир. Бу ерда ўзбек, тожик, рус, украин, қозоқ ва бошқа миллат углонлари ёнма-ён хизмат қилишяпти. Уларни ягона дустлик ва ҳамжиҳатлик тўғуларни бирлаштиради. Ана шу юксак фазилатлар жангчилар қисқа вақт ичида жанговар ва сиёсий тайёргарлик дастурини ўзлаштиришларида асосий омил бўлди.

Ҳеч шубҳа йўқки, булнимма жангчилари ўз олдларида турган бу галги жиддий ва муҳим вазифани ҳам шараф билан бажариб, қўмондонлиқнинг юксак ишончини оқлайдилар.

Келинг, Ватанимиз ғимоячиларига хизматда катта муваффақият ва омад ёр бўлишини тилайлик. Мустақил Ўзбекистон Қурулли Кучлари вакиллари деган юксак номга муносиб бўлингиз, шавкатли Ватан углонлари!

Мастура МИРЗАЕВА.

СУРАТДА: синов машқларида лавҳалар.

Виктор Багаев олган суратлар.

Нуктаи назар

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

салаларни ечишга тайёр. Бироқ компьютерга биз айнан нимани ечишни исташимизни ва қандай маълумотларга эга эканлигини тушунтириш зарур. Ҳатто кишилар уртасидаги муносабатда ҳам масаланинг қўйилиши — унинг ярим ечими деб ҳисобланади. Мулоқотда шерик сифатида ЭХМ иштирок этса — бу деярли ечим тайёр деган суз.

ЭХМнинг замонавий тазкорлиги ва хотираси, сизимнинг катталиги ҳисоблашлар ҳамда натижа чиқаришни жуда қисқа вақтда амалга оширишга қаролат беради. Масалан, таъсифлаш жараёни инсоннинг имтиёзидир. Компьютер бу жараёнда масалани берилган имконият доирасида ечиш режасини ишлаб чиқишни, кичик масалаларни таърифлашнинг ва бошқа баъзи ердими вазифаларни ўз зиммасига олиб, ердам бериши мумкин. Аммо мақсадга эришув ва ечим учун муҳим бўлган маълумотларни танлаш учун масъулият тулиги билан инсон зиммасига юклана-

лар ишлаб чиқишда, тест тизимлари тузиш, ўз билимининг баҳолаш, ўз тафаккурини ва дунёқарашни шаклланишини ўзлаштириш, мантикий фикрлаш доирасини кенгайтириш учун турли уйинлар ташкил қилиш ва ҳоказо.

Табиийки, компьютерлар бизнинг мулоқот тилимизни тушунайди. ЭХМ билан мулоқот алгоритмик тилда амалга оширилади. Бугунги кунда деярли барча программа таъминотини яратиш учун фақат 10 га яқин алгоритмик тил асос бўлди. Улар орасида фақат математик ифодаларни, формулаларни ҳисоблашга мўлжалланган тиллар (Фортран, АПЛ, Кобол), руйхатларини қайта ишлаш тиллари (ЛИСП), шунингдек оддий ўқиш-ўқитиш тиллари (БЭЙСИК, Паскаль, СИ, Ада) бор. Аммо дастурлашнинг энг яхши тили мавжуд эмас, ҳар бир тил муайян тадбиқларда ва устулигига эга. Модомки шундай экан, компьютерда ечиладиган ҳар бир муаммо ЭХМга дастур тарзида бе-

рилади. Шунинг учун ҳам биз «дастурлаш — бу иккинчи саводхонлик» деймиз.

Бозор иқтисодиёти шароитларида компьютер хизматидан кенг фойдаланиш учун унинг дастурий тизимини ҳам ўзлаштириш лозим. ЭХМдек тақомиллашган асбоб билан ишлаш хусусияти нимадан иборат? Бунинг тушуниш учун дастур тузишнинг асосий услубларини билиб олиш лозим. Фанда фойдаланиладиган асосий услуб, оддатда, таҳлил қилишдан иборат. Шу билан бирга амалиёт синтез йўлидан борапти. Дастурлаш фаолиятининг шу икки услуби уйғунлашиб кетадиган, кам учрайдиган турдир. Демак, дастур тузувчи киши умумлаштириш амалияти, тафаккурнинг амалийлиги, ҳақиқатни аниқ идор қилиш, техник ва дастурли воситалар томонидан қўйилган чекланишларни тушуниш гоят муҳимдир.

Биринчидан, дастурлаш қўнуларини урганган ҳар бир мутахассис қўнунча профессонал дастурич ёрдамсиз ҳам иш қўла олади. Иккинчидан, агар масалани ечишнинг услубияти ва бир маъноли усули мавжуд бўлса, дастур тузиш жараёнини автоматлаштириш мумкин. Яқин кунларда доирасини кенгайтириш учун турли уйинлар ташкил қилиш ва ҳоказо.

Ҳабиба ИКРОМОВА,
Тошкент архитектура-қурилиш институтининг «Информатика ва ҳисоблаш техникаси» кафедраси мудири, техника фанлари доктори, профессор.



НАЗОКАТ

Марҳамат опа бу гал ҳам тез-тез одим ташлаб, маҳалла гузари томон борарди. Утказилидиган тадбирнинг муҳокамасида маҳалла оқоқоллари ҳам иштирок этиши зарурлигини таъкидлаши лозим эди. Чойхонада утирган ота-хонлар ҳали-замон бу ерда авллар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлишини билдириб тарқала бошладилар. Маҳалла оқоқоли Боқиров Тулағанов Марҳамат опага пешвоз чиқди. Дилдаги фикрлар баён этилган иккиси ҳам яна чойхона томон йул олишди...

Марҳамат опа бу гал ҳам тез-тез одим ташлаб, маҳалла гузари томон борарди. Утказилидиган тадбирнинг муҳокамасида маҳалла оқоқоллари ҳам иштирок этиши зарурлигини таъкидлаши лозим эди. Чойхонада утирган ота-хонлар ҳали-замон бу ерда авллар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлишини билдириб тарқала бошладилар. Маҳалла оқоқоли Боқиров Тулағанов Марҳамат опага пешвоз чиқди. Дилдаги фикрлар баён этилган иккиси ҳам яна чойхона томон йул олишди...

Хамза туманидаги йулдош

Кенгашлар фаолиятидан

ФАОП АЁЛЛАР

Охунбобоев номли маҳалла-нинг хотин-қизлар кенгаши раиси Марҳамат Абдураҳмонова ҳар бир ишни пишиқ ва пухта қилишга одатланган. Маҳаллада 30 хил миллатга мансуб 5600 киши истиқомат қилади. Лекин уларнинг ҳар бири билан узаро тиллашишни, даррлашишни Марҳамат опа жуда яхши билади. Шунинг учун у серфарзанд оналарга кўпроқ эътиборни қаратиб, улардан маслаҳатлар олиб туради.

— Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтишмайди. Ойлада ота-она, кўпроқ оналар фарзанд тарбиясига, юриш-туришига эътибор берсалар, ана шунда товуллик ҳеч аримайди, — дейди Марҳамат опа суҳбат жараёнида. — Кенгашимиз аъзолари турли оилаларда бўлиб, у ердаги ҳар хил муаммоларга дуч келадилар. Айниқса ёш оилаларнинг ажралишига бориб тақаладиган муаммоларига алоҳида эътибор билан қараймиз. Чунки оила мустаҳкам бўлса, шу оиланинг аъзолари қаерда ишлаётган бўлмасин, уша ерда иш унумдорлиги ҳам бўлади. Ойла нотинч бўлса, уйламангиз, бундай ишдан яхши иш чиқади деб. Мана шунини ҳисобга олган ҳолда маҳалла қоши-

лин олаётган оилалардаги аёллар уртасидаги олди-бердиларни имкон қадар қисқартиришга, тўйларни ихчам, ҳавас қилса арзигудек қилиб утказишга ҳам аёлларимиз бош-қош бўлишмоқда.

Ҳозирги кунда республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллигини намунали нишонлаш учун маҳаллаларда кўчаларнинг тозаллигига ва умуман ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ишда ҳам аёлларимиз, қизларимиз, келинларимиз «Ким эрта туриш» мусобақасини уйнапти десам янглишмайман. Кўёш ҳали уйғонмасдан дарвозахоналар олди чинидек тоза бўлиб тураёпти. Мана шунинг учун ҳам аёл бор жойда кўркамлик, нафислик, одамийлик бор эканлигига яққол далиллар.

Шундай қилиб байрам шоденасини маҳалла аҳли билан ҳамкорликда утказишга келишди олди. Фаол аёлларимиздан Мухоммад Ахмедова, Шафохатон Рижиева, Оминахон Солихжоева, Санъат Мухиддинова, Муҳаммадхон Хасановлар тарафидан аллақачон бошлаб юборилган. Маҳалла гузари — «Оқ уй» чойхонаси ҳаминша мана шундай ибратли тадбирларни утказишдан гавжум маскан бўлаверди.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

Зеболик сирлари

ХУРСАНД БУЛИБ ЧИҚАДИЗ

Жозибали бўлиш дунёдаги барча аёлларнинг орзусидир. Мутахассисларнинг фикрича кўркам бўлиш учун фақатгина башанг кийими, сунги русумда соч турмаклашининг ўзи етарли бўлмай, балки нозик дид эгаси ҳам бўлиш керак.

Узингизга ҳеч ташдарида разм солганмисиз? Ташқи кури-нишингиздан кўнглингиз тўлмаган пайтлар ҳам бўлган, турғи-ми? Қиёфангиздаги ниманидир узгартирмақчи бўласизу, аммо бунга бирозгина журъат етишмайд.

Шаҳримизнинг Шароф Рашидов кучасидаги «Қодирий» гу-заллик салоҳи бу ишда сизга яқиндан ёрдам беради. Бу ерда-ги тажрибали усталар айнан сиз учун зарур бўлган тавсия ва маслаҳатларни беришади.

Инсоннинг юз оидосига қараб унга қай усулда соч турмаклаш ярашишини билиб олиш мушкул эмас, — дейди салон раҳбари Қодир Расулов, — шу соҳада йигирма йил узлуксиз ишладим, касбимни ниҳоятда севаман. Шунинг учун ҳам мен учун мижозларнинг бу ердан қандай қайтиришга қизиқ кетишлари жуда муҳимдир. Биз уларнинг жозибали бўлишлари учун ўз куч-тайратимизни сира аямаймиз. Истагимиз, аёллар оз бўлса-да бу ердан ҳордиқ чиқариб кетишса.

Салонда уқалаш, маникюр, педикюр, косметология хоналари ҳам мавжуд бўлиб, ҳамшаҳарларимиз терини парваришлаш, пардоз-андоз воситаларини турғи ташлаш каби фойдали масла-хатларни олади.

1972 йилдан буён фаолият курсатаётган ушбу масканнинг мижозлари талайгина. Бордию бу ерга илк марта қадам ранжи-да этишса хурсанд бўлиб кетишларига шубҳа йўқ. Валентина Липунова, Эрик Аланакян, Баҳодир Юсупов, Нина Зак каби моҳир мутахассислар бунинг учун ҳозир нозирлар.

Нигора ИСМОИЛОВА.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1995 йил 2 март-даги Фармонида ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт масалаларини ҳал қилишга хотин-қизларни кенг жалб этиш, уларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштирокини кен-гайтириш, оила, оналик ва бо-лаликнинг ижтимоий муҳофаза-сини кучайтириш, шунингдек, вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг ушбу йуна-лишдаги фаолиятини мўъвофиқ-лаштиришга асосий эътибор қар-ратилган.

Кўни кеча Шайхонтоҳур туманидаги «Илгор» маҳалласида тумандаги хотин-қизлар кенгаши-ри раисларининг ўқув-семина-ри бўлиб ўтди. Уни туман ҳоки-

мининг уринбосари, туман хотин-қизлар кенгашининг раиси Саида Жалилова олиб борди. Дастлаб сузга чиққан Шайхон-тоҳур тумани ҳокими Аҳмаджон

лизиция тармоқларини утказиш ишлари ҳозирча 60 фоизни таш-кил қилишини, уларни бундан ҳам яхшилаш лозимлигини айт-ди.

Фармон ва ижро

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Миржалилов уз нутқида амалга оширилаётган барча тадбирлар-да хотин-қизларнинг масъулият-ли урни борлигини таъкидлади. У туман аҳолисининг ижтимоий аҳоли ҳақида гапириб, бугунги кунда туманда қазлаштириш ишлари тулик бажарилиб, кана-

Республика «Маҳалла» хайрия жағмараси раисининг уринбосари Гулнора Йўлчиева «Маҳалла фаолиятида аёллар кенгашининг урни» мавзусида сузлаб, болалар тарбиясида, фарзандларимизни миллий ўр-одат руҳида устириш, уткази-

лаётган туйларимизни ортиқ-ча сарф-харажасиз, ихчамроқ бўлиши лозимлигини айтиб ўт-ди. У айнакча маҳаллалари-мизда очилаётган кичик кор-хоналарда ёшларимизни касб-хунарга ургатиш ҳозирги дол-зарб вазифа эканлигини таъкидлади.

Республика диагностика маркази раҳбари Дилфуза Гу-ломованинг сузи эса мустақил улкамиз аҳолисининг саломат-лигини асраш ҳақида бўлди. «Илгор» маҳалласи хотин-қиз-лар кенгашининг раиси Фоти-ма Ахмедова анжуман қат-нашчиларига миннатдорчилик билдириб, ана шундай узаро фикр алмашиш ва ҳамжиҳат-лик соғлом авлод тарбияси йу-лида муҳим омил эканлигини таъкидлади.

Гайрат ТУЛАГАНОВ.

Илм-фанда бирон янгилик яратиш итгада қудуқ қазиб билан баробардир. Фанимиз заҳматқашларидан бири бўлмиш Фозила Сулаймонова ҳам шундай фидойилардан бири-дир.

Яқинда «Шарқ маданияти-нинг ўрта асрда Европага таъсири» китобини ёзиб тугал-лаган Фозила опа бизнинг бу-гунги дилкаш суҳбатдошимиз.

— Асли марғилонликимиз. Ота-онам зибли одамлар бўлишган. Бо-лалигим Кўқонда кечган. Кейинчалик Кува туманида яшашга мажбур бўл-ганмиз. 13 ёшимда Марғилондаги хо-тин-қизлар педагогика техникумини битирдим, чунки мени беш яшарли-гимданроқ мактабга беришган эди-да. Кувадаги рус мактабига беш йил ишладим. Педагогика институти-нинг рус тили ва адабиёти бўлими-ни битирдим. Бу орада домла Ҳа-мид Сулеймон билан турмуш қурдик. Урта Осиё давлат университетининг аспирантурасида ленинградлик ака-демик Шишмарёв раҳбарлигида таълим олдим. Уни тамомлағач, уни-верситетнинг чет эллар адабиёти ка-федрасида қолдирилдим. У ерда 14 йил ишладим. Илмий иш билан шу-гулланмиш ниятида Тил ва адабиёт институтида ишладим. 1967 йили Навоий номидаги Адабиёт музейи-нинг очилиши муносабати билан му-зейга ишга ўтдим. Ҳозиргача шу ер-да ишлаб келяман.

Опаннинг талабалари бисёр. Уларнинг аксарияти бугунги кун-да юртимиз равнақи йўлида ижод қилаётган шоирлар, олим, ёзувчи, борингки эл назаридаги кишилардир. Шулардан бири та-ниқли адабиётшунос олим Ибро-ҳим Гафуров:

— 50 - йиллар талабалик чоғлари опанинг фарб ва юнон адабиётдан ёниб, завқ билан ўқиган дарслари-ни жон қўлогимиз билан тинлаган-миз. Уша пайтлар жуда талабчан ва талабқиликда жуда кескин, шу би-лан бирга жуда меҳрибон, меҳр-оқи-батда ҳам гоятда қатъиятли эди Фозилахоним.

Бир кун опам айтди: «Агар Раблени ўқимасанлар, Гёте, Стен-даль, Волтер, Дидро, Шекспир, Дик-кенс, Шиллерни билмасанлар, қан-дай қилиб ўзларингизни зиёли са-найсизлар? Қандай қилиб дунё олим-лари билан гаплашасизлар? Ўзбек зиялиси Европа ва жаҳон мадания-тини беш қўлда билиши, Маллар-мени ёддан айтиши керак... Сизлар-ча зияли бўлишнинг бошқача йўли йўқ...» Ушандан бери ўқийман, ўқиб тугатолмайман...

Асли мутахассислиги француз адабиёти бўлган Фозила опа 1961 йили Ленинград шаҳрида Стендаль ижодида олимий иш бошлайдилар. Бироқ марказ кўп-гина ишлар борасида кечкларлар белгилаб қўйгани сабабли айрим юмушларнинг битиши жуда се-кинлик билан бўларди. 1961 йи-ли Стендаль ҳақидаги китоблари чоп этилди. Опанинг «Шекспир Ўзбекистонда» деб номланган ки-тоби ҳам уша йилларда ёзилган. Бироқ турли сабабларга кўра

1978 йили босмадан чиқди.

— Кейинроқ узимга янги муаммо ишлаб чиқдим, — дея сузиди давом-этиди Фозила опа. — У ҳам булсан Шарқ маданиятининг Европага таъси-ри эди. Бу янги, ҳали ҳеч ким қўл-урмаган, ҳеч қандай иш олиб борма-ган соҳа эди. Аввалига бир неча ма-қолалар ёздим. 1991 йилда «Шарқ ва Фарб» деган монография чоп эт-тирдим. Бунда қадимги Шарқ мада-нияти, зардуштийлик динининг Юно-нистонга таъсири, қадимги юнон фал-сафаси шаклланишидаги ўрни каби масалалар ишлаб чиқилган.

— Домланинг аксарият ишларини узингиз давом эттирган экансиз...

— Шундай, у киши вафот этганла-ридан сўнг чала қолган, ишланиши зарур бўлган жуда кўп нарсаларни ниҳоясига етказишга тўғри келди. Яъни домла бутун жаҳон бўйлаб ту-т-

Дилкаш суҳбатлар

ФОЗИЛАЮ ОҚИГА



лаган мўъжаз расмлар, китобот санъатининг рангли слайдлари асо-сида учта катта ва учта кичик альбом тайёрлаб, Югославияда бостирдим. Домла Ҳиндистондан XIV — XV аср-ларда яшаган Ҳофиз Хоразмийнинг фанга маълум бўлмаган дунёдаги ягона қўлзмаси нусхасини олиб кел-гандилар. Уни ҳозирги алифбога ўги-риб икки жилдада чоп эттирдим. Навоий асарларининг катта наشريни тайёрлашда иштирок этиб, «Ҳазо-йинул-маоний»нинг тўртта девонини беш қўлзмага мўқояса қилиб, қайта-дан нашрга тайёрладим. Буюк мута-факкир шоиримиз қўлзмаларининг фотонусхасини Англия, Франция, Туркия, Ленинграддан келтирганди-лар домла. Беш қўлзмадан алоҳида-алоҳида ўқиб, узаро солиштириб, ўз-гарган сузлар маъносини лўғатдан ахтарар эдим. Жуллас, ҳар бир де-вонни тўрт марта ўқиб чиқдим. «Ҳазо-йинул-маоний»ни нашрга тайёр-лашга тўрт йил умрим сарф бўлди...

Фозила опа Навоий ижодидан, ми-ннатира санъати маданиятимизнинг Фарбга таъсири борасида кўплаб ма-қолалар чоп эттирди. Опанинг таъкидлашча, бу ишлар ўзбек хал-қининг маънавий-мероси қанчалар бой эканини курсатиб, исботлаб бе-

рувчи ишлардир.

— Домла билан 40 йил умр кўр-дик, — дейдилар опа. — Биз фақат эр-хотингина эмас, маслакдош ва касбдош ҳам бўлганмиз. Ҳоҳ ишда, Ҳоҳ оилада қандай масала чиқма-син, биргаликда маслаҳат билан ҳал қилар эдик. Оиламизга, узаро муно-сабатимизга ҳамма ҳавас қиларди. Икки ўғил, бир қиз, ширин-шакар на-бираларимиз бор.

— Опа, нимадандир кўнглингиз тўлмаяпти, назаримда...

— Афсуски, фарзандларимизнинг бирорталари бизнинг ишимизни да-вом эттиришмади. Домланинг шо-гирдлари кўп эди, лекин менда шо-гирд йўқ. Шогирд тайёрлашга кўп ҳаракат қилдим. Кўплар қийин деб ишлашга қўнишмади. Чунки менинг соҳам бир вақтингиз узда ҳам Шарқ, ҳам Фарб адабиётини чуқур билишни талаб этди-да!

1993 йилда, Тошкентда Фран-ция элчихонаси очилгач, унинг вакиллари опа билан учрашиб, илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик-лар бошланиб кетди. Бунинг ўзи-га хос сабаблари бор эди, фран-цуз адабиёти ва умуман Европа адабиётини юртимизда тарғиб қилиб, оммалаштирган, зарур ка-дрлар тайёрлаган, француз ёзув-чилари ҳақида китоб, мақолалар ҳам ёзган Фозила Сулаймонова эди. Шунинг назарида тутиб жорий йилнинг февраль ойида Франция давлати номидан Франциянинг юртимиздаги элчиси Жан Пол Везиан жаноблари опага Фран-циянинг «Академия Палмеси Ка-валери» орденини топширди. Бу олимларнинг хизматини тақдир-ловчи ягона орден эди.

Бир йил аввал «Соғлом ав-лод учун» орденига ҳам сазовор бўлган эдингиз-а?

— Дастлаб мен ҳам ҳайрон бўл-дим. Сўнгра ёш авлоднинг маъна-вий тарбияси ҳар қандай тиббиёт-дан илгарироқ деб «Соғлом авлод учун» орденини менга топширишди.

Фозила опа, мустақил Ўзбе-кистоннинг бўлғуси олим, комил инсонларига тилакларингиз. Уму-ман илм-фанимиз тараққиётини қандай тасаввур этасиз?

— Ёш олимлар буюк аждодлари-миз яратган барча маънавий мерос-ни дунёдан тўплаб, ҳозирги озо-д, мустақил халқимизга тақдим этиш-лари керак.

Турон заминининг буюк инсонла-ри Хоразмий, Фиробий, Фароний, Беруний, Ироқий, Ҳисоб Ал-Ҳабаш, Ибн Сино, Улугбек каби алломалар ҳозирги илм-фанининг пойдеворини яратганлар. Орзу қилардимки, ёш-ларимиз илм-фан ривожига улкан янгиликлар яратиб, буюк аждодлар-га арзигулик авлод бўлсинлар!

Жаҳон узра дуру жаҳоир ми-соли сочилиб кетган бой мада-ний меросимизни қайта жонлан-тириб, сайқал бериб, маънавий-тимиз ривожига катта хисса қў-шаётган профессор Фозила опа Сулаймонованинг сермашаққат меҳнатларига муваффақиятлар тилаб қоламиз!

Назозат УСМОНОВА

суҳбатлашди.

Ўқитувчиларнинг август кенгашлари олдида

ЯНГИЛАНИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Мустақил Ўзбекистони-мизнинг бугунги кунги мак-таблар олдида янги талаб-лар кўймоқда. Модомики,

жамиятимиз тўб иқтисодий ислохотлар сари одим-лаётган экан, мактабларда-ги билимга бўлган эҳтиёж узлуксиз ўзгариб туриши табиийдир. Биргина давлат тест комиссиясининг фао-лияти йилдан-йилга тако-миллашайтган синовлари-нинг ўзи мактаб олдида ян-ги вазифалар қўймоқда. Бугунги кунга келиб барча фанлардан таълим андоза-лари асосида бола энг ка-мида нималарни билиши кераклигини аниқлаш ва шу асосда таълимни назо-рат қилиш масаласи ни-ҳоятда ўткирлашди. Чунки утаётган тест синовлари аини шу меъёр чегараси атрофида бўлиши, тавсия этилаётган саволлар мак-табда ўқитилган бўлиши керак.

Бу йил ҳар йилгидан фарқли равишда тест са-воллари матбуотда эълон қилинганлиги аини мудиоа бўлди. Зеро, олдиндан са-волларнинг бериб қўйили-ши ўқувчини ҳам, ўқутив-чини ҳам маълум бир йу-налишга солади, қизиқи-шини орттиради. Албатта алоҳида иқтидорли бола-лар — ижодкор, санъат, спорт соҳасидагилар учун, бундай талаблар қўйил-майди. Улардаги қобилият махсус мезонларда аниқла-нади. Демак, бизнинг аня-навий август кенгашлари-да, фанлар бўйича ҳудудий кенгашларда аини шу таълим андозалари ҳақида-ги бахслар уринилди.

Ушбу кенгашлар доим бир хилда бўлмасдан, ба-лки фанлар бўйича бу йил-ги ялпи республика тест маркази утказган синов-ларни муҳокама қилиш ва тегшли тавсия ва таклиф-ларни умумлаштириб ушбу марказ билан муаллимлар алоқасини ўрнатиш жуда муҳимдир. Тест саволлари-нинг нечоғли турти тузил-ганлигини баҳолашда ол-дий мактаб ўқитувчисидан бошқа ҳолис ҳакам йўқ.

Бу йилги август кенга-шларининг яна бир ўзига хослиги шундаки, кўплаб олимларимиз, услубчилар, ижодкор муаллимларимиз томонидан бир неча фан-лардан миллий дарсликлар яратилди. Масалан, «Ин-форматика ва ҳисоблаш техникаси асослари», «Ал-гебра ва таҳлил асослари», «Математика» ва бошқа-лар. Бир вақтлар бундай дарсликлар яратилишини орзу қилардик. Бироқ бу борада ҳам муаммолар йўқ эмас. Жумладан, қўшимча дидактик материаллар, ом-

малашган илгор қўланма-лар, курғасмали куроллар етишмайди.

Август кенгашларидаги яна бир муҳим масала — муаллимнинг ўз билим да-расасидир. Модомики, ки-тоблар янгилашди, таълим тизими ўзгармоқда. Шун-дай пайтда малака оши-риш, қайта тайёрлаш ма-саласи биринчи ўринга қу-тарилиши табиийдир. Ўқи-тувчининг ўз устида ишла-маслиги илмни ривожла-нишидан тўхтаганини бил-диради.

Ҳозир барча ўқитувчини уз соҳасидаги билим дои-раси билан бир қаторда яна бир масала — ўқувчи-да миллий онг, миллий гу-рур, мустақиллик мафкура-сини шакллантириш ту-рибди. Юртбошимиз айт-ганидек «Нега миллий онг, миллий гурур, миллий мафкура ҳақида жон қўйибди гапиримиз? Бу-нинг сабаби шунки, биз Ўз-бекистонимизни буюк дав-латлар қаторига қўйишга аҳду паймон қилдик. Бо-ларларимизни, йигит-қизла-римизни шу гоёга қаттиқ ишонадиган буюк давлат фуқаролари, буюк давлат-га муносиб фарзандлар этиб тарбиялашимиз ло-зим». Ушбу гоё мактаблар учун бош йўналиш бўлиб ҳар бир фан магзига синг-дирилиши зарур. Ана шу-лар асосида замонавий педагогика фани ва уни ўқитиш услублари ҳақида мулоҳазалар юритиш дар-кор.

Тарбия назариясининг миллий, истиклолий, ил-мий тушунчалар асосини яратиб Ўзбекистон муста-қиллигини мустаҳкамлаш-га тайёр фарзандлар қан-дай фазилатларга эга бў-лиши керак деган савол август кенгашлари диққат-марказида туриши керак. Бунда ҳар бир муаллим-нинг ўзига хос фикри бў-лиши мумкин.

Давлатимиз, истиклоли-миз кун сайин мустақам-ланмоқда. Бизга атрофда-гилар ҳавас билан қара-моқдалар. Иқтисодий кўр-саткиларда юксалиш се-зилмоқда. Жаҳон андоза-сидаги янги корхоналар ишга тушаётди. Бу янгила-ниш жараёни табиий ра-вишда мактабга катта маъсулиятлар юклайди. Болалар онги фикрлаши, дунёқараши пироваврида энг юксак даражада бў-лиши керак. Ана шу эзгу умидлар асосида янги ўқув йили бусағасида туриб-миз.

Бахтиёр КАРИМОВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълоҳиси, олий тоифали муаллим.

Ҳаракат хавфсизлиги учун

«ДИҚҚАТ, ПИЁДА!» ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Серкатнов кўчаларда, чорраҳаларда пиёдалар иш-тирокида йўл-транспорт ҳодисалари юз бериб, улар-нинг натижасида кўплаб пиёдалар тан жароҳати ол-моқда. Мисолларга мурожаат қилсак ўзимиз бунинг гу-воҳи бўламиз.

□ 1 август кун Буюк ипак йули кўчасида «Москвич» 2140 русумли давлат рақами 84-67 ТША бўлган автоулов ҳайдо-чиси Тошпулатов И.В. 8 йил 5. Эр-муҳаммедовни уриб юборган. На-тижада пиёда тан жароҳати олиб 14-шаҳар касалхонасига ётқизилган.

□ Бериуний кўчаси, «Беруний» бекати қаршисида пиёда Орин-жоновани трамвай уриб юбо-рган. Натижада тан жароҳати ол-ган жабрланувчига зўлиқ би-лан тибий врдан курсатилди.

□ Чилонзор туманидаги Я. Купала — Катта Каъни кўча-лари чорраҳасида «Раф 2203» ру-сумли давлат рақами 91-82 ТНБ бўлган машина 8 йиллик пиёда Н. Зиямуҳамедовани уриб юборди. Натижада жабрлану-вчига 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти касалхонасида таб-бий врдан курсатилди.

□ Серғели туманидаги 8-й қаршида давлат рақами М 640546 бўлган «Мерседес Бенц» автомашинаси ҳайдо-вчиси Х. Аврадан пиёданни уриб юборган. Натижада шифхона-га олиб борилаётган пайтда йўлда вафот этган.

Бундай мисолларни яна кел-тириш мумкин. Бироқ шун-и айтиш керакики, шаҳримизда пиёдалар уртасида ўзи бериши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, улар томонидан йул қўйлади-ган кўпол қондабузарликларга чек қўйиш, энг серкатнов жойлардаги ва чорраҳаларда-

ги, шунингдек болалар муас-сасалари яқинидаги пиёдалар-нинг қатнови устидан назорат-ни амалга ошириш, йўл-тран-спорт ҳодисалари таҳлили асо-сида аниқланган серфалокат жойларда намунали йул ҳара-катини ташкил этиш мақсади-да шаҳримизда «Диққат, пиё-да!» деб шартли номланган ҳа-ракат хавфсизлиги ойлиги да-вомида пиёдалар томонидан кўпол қондабузарликлари учун 3120 фуқароларга жойида жа-рима солиниб, 159 та пиёдага эса маъмурий баённомалар ту-зилган.

«Диққат, пиёда!» тадбири кенг қуламли бўлиб, унинг дои-расида Тошкент шаҳар ИИББ Давлат автомобиль назорати бошқармасининг йул-патруль хизмати бўлинимасида пиёда-лар билан ишлайдиган махсус гуруҳ фаолият қурсатмоқда, пойтахтдаги йирик автохўжа-ликларнинг ҳаракат хавфсиз-лиги муҳандислари ва улар-нинг транспорт воситалари жалб этилди, шунингдек кўп-лиги дружинчилар ҳам фаол иштирок қилмоқда.

Хурматли ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари, йул ҳаракати қондаларига риоя қи-лишларингиз билан йул-тран-спорт ҳодисаларининг олдини олган бўласанлар, деган умид-дамиз.

Шўхрат НУЪМОНОВ,
Тошкент шаҳар ДАН бошқармаси тарғибот бўлими ходими.

Шеърый лаҳзалар

Купчиликка маълумки, сайерамизнинг турдан уч қисми уммон ва денгиз сувлари билан қопланган. Унинг майдони Марс сайерасидан 2,5 баробар, ой сатҳидан 10 баробар каттадир. Сувнинг асосий захиралари жаҳон уммонларида жойлашган. Бинобарин, шуртоб сувлар сайерамиз сатҳидаги барча сувлар ҳажмининг 94 фоизини ташкил этади. Жумладан бу умумий сувлар ичида ичимлик — «ширин» сувлар 2 фоиздан ҳам камдир. Қани энди инсоният ана шу 2 фоиз сувни ҳам уз эҳтиёжлари учун тула ишлата олса. Аслини олганда уша 2 фоиз ширин сувнинг фақат 0,025 фоизига инсонлар учун фойдалана оладиган суёқ ҳолатда учрайди. Қолган 1,6 фоиз сувлар қудратли қутб ва тоғ музликлари ҳолатида «занжирбанд» этилгандирлар.

XVI асрга келиб Англия қироличаси Елизавета I шуртоб сувларни ичимлик сувларига айлантиришнинг осон ва арзон усулини кимда-ким тақлиф этса унга 10 минг фунт стерлинг мукофот ваъда қилган эди. Асрлар ўтди, фан-техника бекиёс даражада тараққий этди, лекин бу мукофот фоиз ҳисобига йил сайин ошиб боргани билан ҳозирги кунгача у эгасини топа олгани йўқ. ЮНЕСКО маълумотларига қура ҳозирги кунда жаҳондаги қарийб барча мамлакатларда юқори сифатли ичимлик суви етишмаслик муаммоси мавжуд. Илмий тадқиқотлар шундан дарак бермоқдаки, жигар, ут пуфаги, ошқозон ости безлари ва бошқа дардларнинг келиб чиқиши билан ичимлик суви ичидаги турли «заҳарлар» (масалан, пестицидлар) микдори билан узвий боғлиқлик борлиги аниқланган. Сув таркибидеги пестицидлар ва минерал ўғитларнинг сақланиши бевақт тугиш, асаб бузилиш ва қаришдаги қаразма касалликларига сабабчи ҳам булар экан.

Сувни хлорлаш — ичимлик сувини етарли даражада тозалаш деган сўз эмас, албатта. Бу усулда сувдаги юқумли микроблар ўлдирилса ҳам ошқозон-ичак дардини авжга миндиради. Ахир хлор кислота-ку. У энг енгил элемент ҳисобланиб галлоид (туз ҳосил қилувчи) гуруҳига кирувчи оғир элементлар (фтор, йод, бром)ни осон эритиш хосасига эга. Бу уз навбатидеги киши аъзоларида турли касалликларнинг келиб чиқишига асос бўла олади.

Маълумки, сувнинг ҳар бир томчиси узундан-узқ йўл босиб тоғу тошларни ювади, турли хил тузаларга ва заҳарли элементларга

тўйинади. Сунгра сув тиндириш иншоотларида тозаланиб сув ўтказгичларига юборилади. Гоҳо ана шу фильтрлар орқали ўтган сув айтарли даражада тозаланмас экан ва у ичиш учун ярамайди. Бунинг учун уни қайнатиб буғларини совутиш асосида дистил сув олинади. Инсонлар эса сув ўтказгичдаги бор суви билар-билмас истеъмол қилаверадилар. Шунинг учун суви музлатиб эритиш орқали сув ўтказгичда тозаланадиган бўлса аввало таркибидеги оғир сув микдори камайтирилади.

Сувда яна шундай хоссалар яширинганки, улар ҳанузга қадар ўз ечимини топган эмас. Масалан, эриган сувлар яқинида ўт-

Оби ҳаёт сирлари

ШИРИН СУВНИНГ МУЪЖИЗАСИ

улан тез ўсиб, қуқаламзор ҳосил қилганини кўпчилигимиз кузатганимиз. Қор кетиши билан бойчечак каби гуллар пайдо бўлади. Гув куз олдимизда табиат шошилини равишда уйқудан уйғонаётгандай, туюлади. Лекин нима учун табиат бундай тез уйғонмоқда, деган савол турғисида уйлаб ҳам қурмаганимиз. Нима учун баҳорнинг биринчи кунлари ўсимликлар тез сурыатлар билан қўшга интилиб ўсадилар? Текширишлар шуни курсатадики, эриган сув тирик жонларда модда алмасувини тезлаштирадиган ҳаётли хосса ва хусусиятларга эга экан.

Маълум бўлишича, инсонлар аъзосидаги барча физиологик жараёнлар суви билан асосланиб кечади ва у эритмалар кристалсимон ҳолатда бўлади. Шунинг учун кишилар аввал музлаб кейин эриган сув ичмаган тақдирларида аъзолардаги қандидир механизмлар ёрдамида эритмаларни ҳосил қила олар экан. Ўтказилган тажрибалар шундан далолат бермоқдаки, тоза эриган сув ичган одамлар вақт ўтиши билан турли, жумладан сурункали хаста-

ликлардан фориғ бўладилар. Бу уз навбатидеги кишилардаги касаллик, улар аъзоларининг ўзига хос юқоридаги кристал агрегатлар гуруҳини ишлаб чиқаришга оғир бўлиб қолганидан дарақдир. Шунинг учун оддий сув эмас, балки музлаб эриган тоза сув соғлиқ манбаи ва узққ умр гаровидир.

Шундай қилиб юқори сифатли «ширин» ичимлик суви — таркибидеги оғир ёки дейтерий сувини оз сақлаган, хлорли тузлари, заҳарли моддалар ва бирикмалари бўлмаган музлаб эриган сувдир. Бундай шифобахш суви уй шароитида тайёрлаш мумкин. У уч босқичли технологик жараёнда олинади: суви тиндириш, музлатиш ва эритиш: буна + 4 даража селсийда оғир сув муз ҳосил қила бошлайди. Ундан бутунлай қутулиш учун 0 даража селсийга қадар ёки сув усти юпқа муз пардаси билан қоплангунча қутиб туриш лозим. Бу ҳолат барча оғир сувининг музга айланишига турғисидаги бирламчи дарақдир. Сунг унинг остидаги суви бошқа идишга қуйиб, музлаткича қиритилади: иккинчи босқичда сувнинг 30-50 фоизи ёки ҳаммаси музлатилганда, унинг ичидаги бор тузлар ва заҳарли моддалар идишнинг марказий қисмига ёки идиш остига сув муз кристаллари томонидан сиқиб чиқарилади. Тузли муз ўзининг сарғиш ранги ва хираллиги билан тиниқ тоза сув музидан ажралиб туради. Уни ўзга сув билан ювиб чиқариб ташланади.

Демак, шифобахш сувнинг кишиларнинг соғлиғига бўлган ижобий таъсири кишилардаги руҳий тетиклик билан узвий боғлангандир. Сувни қўлтурм-қўлтурм қилиб ва дам олиб ичиш тақлиф қилинади. Шунда гув қишлоқ ҳужалиғидаги «томчи» усули билан сугоришдаги эришилган юқори самарга эга бўлинади. Оч юриш, шарбатлар ичиш, югуриш, иссиқ, совуқ, бир дақиқа давомида 5-6 мартадан қўмилишлар шифобахш сувнинг фойдасини яна ҳам оширади.

Мирмажид ЗОКИРОВ, Геология ва минералогия фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат курсатган геолог.



Дугоналар суҳбатда уларнинг орзулари жилваланади. Рустам Шарипов олган сурат.

ЁШ ЗОБИТЛАР ИШ БОШЛАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг бир гуруҳ битирувчилари мустақил ҳаёт сари йўлланма берадиган шаҳодатномаларини олдилар. Уларнинг орасидан тақсимот бўйича Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига келган бир неча нафар бўлғуси тартиб посбонларини бош бошқарма бошлиғи, милиция генерал-майори Эркин Норгитов қабул қилиб, зобитлик унвони билан таъриқлади ҳамда милиция идораларида келгусидаги хизматлари юзасидан маслаҳатлар берди.

Академия битирувчилари билан, шунингдек пойтахт ИИББ бошлиғи

нинг уринбосари, милиция подполковниги Александр Когай ҳам учрашиб, асосан энг масъул вазифалар — тергов ва жиноят-қидирув хизматиға қабул қилинган ёшлар билан шахсий тартиб орасидаги интизом, қонунчиликка риоя қилиш, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси масалалари бўйича суҳбатлашди. Шуниси қувонарлики, пойтахт милицияси яна бир гуруҳ ёш, чапдаст ва моҳир осийиш-талик қўриқчилари билан бойиди. Бу эса ҳуқуқ-тартибот ишларининг янада мустаҳкамланиши учун муҳим қафолатдир.

Даврон ИСЛОМОВ.

Родосдаги алп ҳайкал Артемид мавзолейи билан ибодатхонасининг замондоши бўлган. Эрамизгача бўлган 304 йилли Искандар Зулқарнайн давлатининг меросхури, Осиё ва Сурия ҳукмдорининг ўғли Дмитрий Полиоркет Кичик Осиё қирғоғига яқин қирик орол аҳолисини узққ вақт қуршовга олгандан сунг чекинишга мажбур бўлмади.

Родосликларни ўзига бўйсундириш учун Полиоркет уша даврнинг оламга донги кетган ҳарбий техникасини шаҳарга олиб қиради. Гелиополит деб аталадиган бу қурол тош отадиган, ҳужумчиларини туширадиган майдони бор, қамал бузадиган қурол эди. Темир билан ураб ташланган гелиополитни уч минг турт юз аскар ҳаракатга келтирган.

Яқрираган худо ҳайкали Родосга келатган йўловчининг қузиға узоқдан чалинади. Қуп ўтмай, у ҳақда не-не келтирган.

Дунё ажойиботлари

МИНГ ЙИЛ ЁТГАН ҲАЙКАЛ

Полиоркет бароридан келмаган ҳужумдан сунг алп гелиополити оролининг қирғоғига ташлаб кетади. Ишга ярамай қолган бўлса ҳам бу қурол оламнинг муъжизаси деса арзигулик эди. Мана шу муъжиза шаҳарга катта миқдорда фойда келтирибгина қолмасдан, обрў, шон-шўҳрат ҳам берди. Шаҳарга қуру тун келиб кетадиган ҳисобсиз савдогарлар гелиополитни металл синиғи ўрнида сотиб олиш учун уч юз талант (қадимги Грецияда, Мисрда, Бобилда, Кичик Осиёда қўлланган савдо-сотик воситаси) ваъда қилишди. Бу — уша даврнинг нархи бўйича жуда катта маблағ бўлган. Ниҳоят шаҳар аҳолиси алп қуролни сотишдаги, ундан тушган маблағга Гелиоснинг ҳайкалин урнатишга азму қарор қилишди. Чунки родосликлар ўзлари яшайдиган орол худонинг қудрати билан денгиз тағидан қутарилган деб ўйлашарди.

Ҳайкални ясашни ҳайкалтарош Харесга топширишди. Харес Гелиоснинг тик турган қиёфасини акс эттиришни тақлиф этди. Унинг фикрича чап қўлидан сирғалиб тушган ёпчиникининг бир ойерга тушиб, ун қўлини мангалайига теккизган ҳолда узққ

Қидирбой ТУЛАОБОВ.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА БИДИРУВЛАР



«Бритиш-Америкэн Тобакко» (Би-Эй-Ти) компанияси гуруҳининг аъзоси, жаҳон тамакичилик саноатида салмоғига кўра иккинчи ўринни эгаллайдиган «ЎЗБАТ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ» ҚУШМА КОРХОНАСИ

ишлаб турган Тошкент тамаки фабрикасидаги бўш уринларга, шунингдек яқинда қурилиши бошланадиган Самарқанд сигарет фабрикасида ишлаш учун 40 ёшгача бўлган кишилардан янги ишчилар қабул қилади.

БЎШ УРИНЛАР: минимал талаб қилинадиган малака

- механик-муҳандис
- электрик-муҳандис
- электрончи-муҳандис
- техника ҳавфсизлиғи бўйича муҳандис
- технолог-муҳандис
- ишлаб чиқариш менежери
- ишлаб чиқариш участкаси мастери
- маъмурий-хужалик хизматчилари
- олиқ уқув юртларини таомлаганлар
- олиқ уқув юртларини таомлаганлар

бизнес-бошқарув мутахассисликлари бўйича битириб чиққанлар

- механиклар
- техникум ва билим юртларини битириб чиққанлар
- машинист-операторлар
- электриклар
- чилангарлар
- техниклар

Номзодларни саралашда иш стажини инобатга олинмайди. Бундан техник хавфсизлиғи бўйича муҳандислик ўрнига даъвогарлар истисно. Улар уз мутахассисликлари бўйича камида 3-5 йил иш стажига эга бўлишлари керак.

Муҳандис-техник шахсларнинг инглиз тилини билиши ва компьютерлар билан ишлашни билиши, уларга қўшимча устунликлар беради.

Ҳалол ва виждонан меҳнат қилишни истаган, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш шароитида уз техник малакасини жаҳон андозалари даражасига қутаришни астойдил истаган номзодларга мойиллигимиз кучли.

Тулдириш учун анкеталар «ЎЗБАТ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ» қўшма корхонасининг Бош идораси: Тошкент шаҳри, Ҳусниддин Асомов кўчаси, 4-уйда ва Самарқанд ферментация заводининг Самарқанд шаҳар Рудакий кўчаси, 150-уйда жойлашган кадрлар бўлимидан олинади.

Танлов асосида дастлабки саралашдан ўтган барча даъвогарлар суҳбатлашувга шахсан тақлиф этиладилар.



Ҳўрматли Орифхон ҲОТАМОВ!
Сизни 1995 йил 19 август кунин 70 ёшга тўлишиниғиз билан муборакбод этамиз. Худодан Сизга соғ-саломатлик, илҳоминиғизга омад, оиланиғизга бахт, хотир-жамлик сўраймиз. Илҳомини халқ ҳофизини сифатида халқ эъзозидеги ва хизматидеги, халқнинг назаридеги, имон-бой бўлиб юрини!

Вапп ота, Абдулвосиқ, Соппжон Юсуповлар, Акмал Абдуназаров, Ҳабибулло Каримов, Раҳимжон Раҳимов, Ёқубжон Сулаймонов, Абдулбори Босиқжон ўғли.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларида режали равишда таъмирлаш ишлари муносабати билан «Хумоюн» мавзесидеги 19-39-уйларда яшовчи 62/64 АТС абонентларида вақтинча, 26 августгача, телефон алоқаси бўлмайдиган бўлиши билан радиоллаштириш бирлашмаси.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 22-хуна-техника билим юрти 1995-96 ўқув йили учун

КЕНГ ҚУЛАМДАГИ ТИҚУВЧИ /эркаклар ва аёллар, болалар қийимлари ва миллий қийимларни тайёрловчи/ ихтисоси бўйича ТАНЛОВ АСОСИДА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 9 синф ҳажмида маълумотлилар учун 1-2 йил. 11-синф ҳажмида маълумотлилар учун бир йил. ЎҚИШГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МАКТАБЛАРИНИНГ 9-11 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ТАҚЛИФ ҚИЛИНАДИ.

9-синф ҳажмида маълумотлилар ўқиш даврида 2 маҳал иссиқ овқат ва машғулотларга қийиладиган қийим билан таъминланадиган.

11-синф ҳажмида маълумотли ўқувчиларга ўқиш даврида стипендия берилади.

Билим юртини муваффақиятли битирганлар «Юлдуз» тикучилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлайдилар.

МАШЎУЛОТЛАР 1995 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Манзиллими: Тошкент шаҳри, Кренкель кўчаси, 18 «а»-уй («Юлдуз» тикучилик ишлаб чиқариш бирлашмаси орқасида).

Телефонлар: 35-61-41, 34-01-46.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Иссиқлик трассасидаги бузилишларни тузатиш учун Гулсанам кўчасида (Буюк Ипак йўли кўчасидан Белоножко кўчасигача бўлган участкада) транспорт барча турларининг қатнови ёпилади. 24, 105, 41 м. автобусларнинг қатнови Буюк Ипак йўли кўчасидан Кобзев, Белоножко кўчалари бўйлаб ТТЗ-1 мавзесигача ташкил қилинади.

«Тошшаҳарйўлов-чиратанс» Давлат асоциацияси.

«Озиқ-овқат» ҳиссадорлик улғуржи-чакана савдо бирлашмаси жамоаси «Чилонзор» ҳиссадорлик жамиятининг раиси С.А.Азимовага акаси

Карим АЗИМОВнинг бевақт вафот этганилиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

1-нон заводи жамоаси директор муовини

Раҳимберди МАВЛОВнинг вафот этганилиги чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг қариндошларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокими	Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.	Маълумот: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.	Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; шўхон ва тижорат хабарларини юбориладиган масалаларни бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66.	Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва афарилиши учун раёв-гарлик уларни бевосита таъминловчи ва таъминловчи бўлишига асосланган.	Нашри етказиб бериш масалаларини бўйича турар жойлардаги пошта бўлимадаги ёки «Тошкент пошта» шаҳар пошта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-03 телефонига мурожаат қилинишига мумкин.	Ҳажми ~ 2 босма табоқ, Офсет усулда чоп этилади. Қўпол босма - А-2. Газета IBM компьютеридеги терилди ва сақланади. Нашр қўрсаткичи - 64690.	«Шарк» нашрийт-матбаа концернини босмахонаси. Корхона манзил: «Буюк Ипак» кўчаси, 44-уй.
--	---	---	---	---	--	---	---